

## ОТА-ОНАЛИК ХУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

Темиров Азамат Таиржонович  
Хуқуқшунос, мустақил изланувчи

### Аннотация:

Республикамизда ота-оналар қийин ҳаётий вазият туфайли болаларга ғамхўрлик қила олмайдиган оилалар учрайди. Ота-оналарнинг болаларга нисбатан жисмоний ва руҳий зўравонлиги муаммосидан ташқари, ота-оналар томонидан боланинг мулкӣ хуқуқларини бузиш муаммоси ҳам долзарбдир. Бунинг асосий сабаблари сифатида: қашшоқлик, алкоғолизм, гиёҳвандлик, ота-она мажбуриятларини масъулиятсиз муносабатда бўлиш, оилавий ва ахлоқӣ қадриятларнинг паст даражасини кўрсатиш мумкин. Оилавий муносабатларнинг беқарорлиги кўпинча бошқа сабабларга кўра ҳам юзага келмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилиш институтининг моҳиятини очиб бериш, ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилиш асослари ва шартларини тадқиқ қилишдан иборат.

**Калит сўзлар:** ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилиш тушунчаси ва асослари, болани ота-онадан олиб қўйиш, ноқулай тарбия муҳити, болаларга нисбатан зўравонлик, спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиш.

### Abstract:

In our republic, there are families where parents cannot take care of children due to difficult life situation. In addition to the problem of physical and mental violence of parents against children, the problem of violation of property rights of children by parents is also relevant. The main reasons for this are: poverty, alcoholism, drug addiction, irresponsible treatment of parental duties, low level of family and moral values. The instability of family relationships often occurs for other reasons.

The purpose of the study is to reveal the essence of the institution of deprivation of parental rights, to research the grounds and conditions of deprivation of parental rights.



**Key words:** concept and grounds of deprivation of parental rights, removal of a child from parents, unfavorable upbringing environment, violence against children, alcohol or drug abuse.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ота-оналар томонидан болага нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликлар билан узвий боғлиқдир. Ота-онанинг айбли (умумий қоида сифатида) ва ғайриқонуний хатти-ҳаракати ота-она ҳуқуқларидан маҳрум қилиш учун асос бўлади.

ОКнинг 79-моддасида ота-она ҳуқуқларидан маҳрум қилиш учун бешта асос келтирилган. Бу рўйхат тўлиқ ҳисобланмайди. Бироқ, баъзи тадқиқотчилар кўриб чиқилаётган асослар ота-онанинг муайян ғайриқонуний ҳаракатларини (ёки ҳарақатизлигини) кўрсатиш билан чекланмайди, деб ҳисоблашади.

Хусусан, С.А.Муратова судларнинг (шу жумладан Конституциявий суди ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди) қарорларига таяниб, ота-она ҳуқуқларидан маҳрум қилиш учун асос, биринчидан, ота-оналарнинг айби, иккинчидан, болани бошқа йўл билан ҳимоя қила қилишнинг имконсиз эканлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Амалдаги қонунчиликка кўра, ота-она ёки улардан бири ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Ота-онанинг болалар олдидаги мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Оила кодексидан (73, 74-модда) шунингдек бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Бундай мажбуриятлар жумласига ўз болаларининг тарбияси, камолоти учун масъуллик, уларни жисмоний, маънавий, руҳий соғлиғи ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбуриятлари киради. Ота-она айнан бундай мажбуриятларни бирини бажармаганлиги, масалан болани ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилмаган ҳолда уни моддий жиҳатдан тўла тўкис қилиб қўйиши агарда болани нормал баркамол бўлиб вояга етишига салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ота-оналар ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортишади, бўйин товлашади. "Бош тортиш" тушунчасидан фойдаланган ҳолда, оила

<sup>1</sup> Муратова С.А. Семейное право: учебник. – М.: Норма: Инфра-М, 2019. – 214 с.



қонунчилиги ота-оналар болага нисбатан ўз вазифаларини бир марталик эмас, балки узоқ вақт, тизимли равишда бажаришлари кераклигини англатади. Бинобарин, ҳуқуқдан маҳрум қилиш учун асос сифатида, ота-она боланинг бир нечта ҳуқуқларини бузади<sup>2</sup>. Боланинг ҳам мулкӣ, ҳам номулкӣ ҳуқуқлар бузилиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқлар бола ҳаётининг турли соҳаларига таъсир қилиши мумкин. Мисол учун, бола ота-онасидан тўғри парвариш олмаслиги мумкин, яъни озиқ-овқатсиз, кийимсиз, тарбиясиз, доридармонсиз ва ҳоказоларсиз қолиши мумкин.

Қонунда алимент тўлашдан бўйин товлаш ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бош тортишнинг бир тури сифатида алоҳида кўрсатилган. Таъкидлаш жоизки, қонунда алимент тўлашнинг иккита тартиби кўзда тутилган: суд тартиби ва ихтиёрий тартиб (томонларнинг келишуви бўйича). Шу билан бирга, ОКнинг 79-моддасида қонун чиқарувчи алимент ундиришнинг қандай тартиби борлиги кўрсатилмаган. Бинобарин, суд қарори ҳам, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ҳам бажарилмаса алимент тўлашдан бўйин товлаш бўлиши мумкин.

Қонун ота-онани алимент тўлашдан бўйин товлаши масаласига алоҳида эътибор беради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 15-бандида кўрсатилишча, алимент тўлашдан бош тортганда бу факт суднинг ҳукми билан тасдиқланиши шарт эмас. Алимент тўлаш, ўз болаларини моддий таъминлашдан доимий равишда қочишга уринганлигига ишонч ҳосил қилишликнинг ўзи кифоядир.

Ота-онанинг алимент тўлашдан бўйин товлаш ҳолати мавжудлигини ҳал қилишда суд, бошқа нарсалар қатори, ота-она томонидан болани боқиш учун маблағ тўламаслик муддати ва сабабларини ҳисобга олиши керак. Шунинг учун, агар ота-она объектив сабабларга кўра алимент тўламаса (касаллик, унга ойлик маоши тўланмаслик каби), унда у ушбу асосда ота-она ҳуқуқларидан маҳрум этилиши мумкин эмас<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Шахбиева М.М. Основания и последствия лишения (ограничения) родительских прав в российском законодательстве // Скиф. Вопросы студенческой науки. 2020. – № 6-46. – С. 288.

<sup>3</sup> Ветошкин С.А. Ювенальное право: учебное пособие. – Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2018. – 89 с.



Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашлик деганда – ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғамхўрлик қилмаслик тушунилади. Болаларнинг ёшларига қараб ота (она)нинг ҳар бир аниқ ҳолатдаги ҳаракати (ҳаракатсизлиги) бола учун уни ҳалокатга олиб келади. Ота-онанинг ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганликлари уларнинг болаларининг маънавий тарбияси, жисмоний ривожланиши, таълими, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёргарлиги тўғрисида ғамхўрлик қилмаганлигида намоён бўлади.

На Окнинг 79-моддаси, на оилавий қонунчиликнинг бошқа қоидалари алимент тўлашдан бўйин товлашнинг "ашаддийлиги" тушунчасини ошқор қилмайди. Бунинг ўрнига, у Жиноят кодексининг 122-моддасида (бундан буён матнда ЖК деб юритилади), ота-онанинг алимент икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги учун жиноий жавобгарликни назарда тутди.

Суд амалиёти шуни кўрсатадики, алимент тўлашдан бўйин товлашда "кўп маротабалик, ашаддийлик" мавжудлиги, агар асосли сабаблар бўлмаса, узок вақт давомида алимент тўламаслик билан тасдиқланади. Бундан ташқари, ота-онанинг хатти-ҳаракати у суд қарорини бажармоқчи эмаслигини кўрсатиши керак. Бошқача қилиб айтганда, бўйин товлаш тизимли ва қатъиятли бўлиши керак. Хусусан, ота-она ўзи яшайдиган ва/ёки ишлайдиган жойни яшириши ёки судга ёки бошқа ота-онага қаерга кетганлиги ҳақида аниқ маълумот бермасдан яшаш жойини тарк этиши мумкин. Бундан ташқари, у ўз даромадини яшириши мумкин.

Ота-онанинг ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бош тортиши миқдорий кўрсаткичларга эга эмас. Оилавий ҳуқуқбузарликнинг таркибини ташкил қиладиган тўланмаган алиментнинг минимал миқдори ҳам қонунчилик ва суд амалиётида назарда тутилмаган. Гап шундаки, миллий қонунчилик барчани ишлашга, меҳнатга мажбурламайди. Шунинг учун ота-она даромад манбаларига эга бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, қонунда ота-онани болаларни қўллаб-қувватлаш учун ишлашга мажбур қиладиган механизмлар мавжуд эмас.

Шу муносабат билан М.В.Антоколскаянинг таъкидлашича, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асосларни тартибга солишнинг бундай ёндашуви санкцияларни ўрнатмасдан амалга оширилса қонуний ҳисобланмайди, балки фарзандларини боқиш, кийинтириш ва поябзал олиш



учун фақат ахлоқий мажбурият бўлишига олиб келади. Натижада, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, баъзи ота-оналар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиши имконсиз бўлиб қолади<sup>4</sup>.

Ушбу асосни ўзида ифодалаган суд амалиётидан мисол келтириш мумкин. Суд вояга етмаган Ш.нинг ота-онаси ота-оналик ҳуқуқи маҳрум этиш бўйича даъво кўриб чиққан. Васийлик ва ҳомийлик органи Ш оиласининг яшаш шароитларини ўрганиб чиққан ва қўйидаги хулосаларга келган: Ш.нинг онаси ва отаси қизларини тарбиялаш, қўллаб-қувватлаш ва унга ғамхўрлик қилиш бўйича мажбуриятларини бажармай келганлар. Масалан, улар қизларининг охириги туғилган кунини унутишди. Қизининг соғлиғи билан боғлиқ муаммолар бўлганида, у касалхонада бўлганида, ота-онаси унга ёрдам беришмади. Ш.нинг отаси узоқ вақтдан буён у билан мулоқот қолмаган. Натижада суд ота-оналарни Ш.га нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Ота-она ёки улардан бири узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия муассасаларидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасасидан ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортиши ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу турдаги ноқонуний хатти-ҳаракатлар биринчи марта оилавий қонунчиликда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос сифатида қайд этилган. Ота-оналар мурожаат қилиши мумкин бўлган болани тарк этишнинг асосли сабабларини бевосита кўрсатмаганлиги сабабли, ота-оналарнинг уй-жой, иш, касаллик, ногиронлик ёки бошқаларнинг этишмаслиги каби рад этиш учун асослар суд томонидан тегишли ишларни кўриб чиқишда ҳар томонлама ва тўлиқ баҳоланиши керак<sup>5</sup>.

Узрсиз сабабларга кўра боласини туғруқхонадан ва бошқа болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаларидан олишдан бош тортганлик туғруқхона ва болаларни даволаш профилакторияси ва ўқув-тарбия муассасаси комиссиялари томонидан тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

<sup>4</sup> Антокольская М.В. Семейное право: учебник. М.: Норма: НИЦ ИнфраМ, 2013. - 364 с.

<sup>5</sup> Терехова В.В. Некоторые аспекты лишения родительских прав в российском законодательстве // Евразийская адвокатура. 2019. – № 4 (41). – С. 58.



Ота-она ёки улардан бири ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш деганда – бу ҳуқуқлардан болаларнинг манфаатларига зид равишда фойдаланишни, масалан, ўқишига, жамоат топшириқларини бажаришига тўсқинлик қилишни, тиланчиликка ундашни, уни спиртли ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилишга ўргатиш, жиноят қилишда, жинойий йўл билан даромад топишда вояга етмаганни жалб қилишни тушунмоқ керак.

"Суиистеъмол қилиш" тушунчаси ота-оналар қонунга мувофиқ расмий равишда ҳаракат қилишларини англатади, аммо аслида бундай хатти-ҳаракатлар боланинг манфаатларига зарар етказди. Мисол учун, ота-оналар бола учун таълим олишига тўсиқинлик қилиши мумкин. Ушбу асосни кўрсатадиган суд амалиётидан мисоллар мавжуд. Суд ота-она - А. и Л. га нисбатан даъвони кўриб чиққан. Суд ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилинганлигини аниқлаган ва бу ота-она кўчиб ўтишлари муносабати билан турар-жойдаги болаларининг улуши сотганликларида ифодаланишини билдирган . Бироқ, бунинг эвазига ота-она болалар учун янги уй-жой сотиб олмадиган ёки рўйхатдан ўтказмаганлар. Шундай қилиб, ота-оналар вояга етмаган фарзандларининг мулкӣ ҳуқуқларини бузишда виждонсиз ва айбдор бўлиб ҳисобланадилар.

"Шафқатсиз муомалада бўлиш" тушунчасига бир қатор ноқонуний ҳаракатлар киради. Бунга биринчи навбатда болага нисбатан зўравонликнинг жисмоний ва руҳий турлари киради. Бундан ташқари, муомаланинг шафқатсизлигига боланинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилиш ва тарбиянинг йўл қўйилмаган усулларини қўллаш ҳам кириши мумкин.

Болалар билан шафқатсиз муомалада бўлиш жисмоний ва руҳий қийнашда, тарбиялашнинг йўл қўйиб бўлмайдиган усулларини қўллашда, болаларининг инсоний ғурурларини камситишда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин. Агар болаларга нисбатан ота-она эмас, балки оила аъзолари шафқатсиз муомалада бўлсалар, боланинг ота ва онаси бунга қаршилик қилмасалар, бундай ота-оналарнинг ота-оналик ҳуқуқлари ОКнинг мувофиқ чекланиши мумкин.



Ота-она ёки улардан бири муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Ота-онанинг сурункали ичкиликбозликка ёки гиёҳвандлик касалига учраганлиги, психотроп моддаларга ружу қўйган бўлса ва тегишли тиббиёт хулосаси билан тасдиқланган бўлиши керак. Бундай асос билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жавобгарни муомалага лаёқати чекланган деб танилганлигидан қатъи назар, амалга оширилиши мумкин. Ушбу ҳолатларга мубтало бўлган ота-онанинг хатти-ҳаракатларини олдиндан айтиш мумкин эмас. Ушбу ҳолатлардан жазавога тушган вақтда ота-она боласи ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин.

Ота-она ёки улардан бири ўз болаларининг ҳаёти ва соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Боланинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота-она томонидан қасддан жиноят содир қилиш ўта оғир ва жамоат учун хавфли ҳисобланади. Бундай асосларга кўра ота (она)ни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга фақат суднинг ҳукми бўлгандагина йўл қўйилади. Баъзи ҳолатларда тергов ёки суд жараёнида амнистия қўлланилиши мумкин ёхуд унга нисбатан жазо тайинланмаслиги мумкин. Ушбу ҳолатларда ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни истисно этмайди.

Болани ота (она)сининг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота (она)си томонидан қасддан жиноят содир қилганлиги асосига кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишлик ҳақидаги ишларни кўришда бола жиноят объекти унинг ота (она)си бўлган ҳолларда зарар кўришини ҳисобга олишлари лозим. Бундай асосларга кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишликка ҳам айбдорга нисбатан суднинг ҳукми бўлиши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Муратова С.А. Семейное право: учебник. – М.: Норма: Инфра-М, 2019. – 214 с.
2. Имомов, Н. (2018). The tasks of the Civil Code: Regulation of Social Relations or Determination Of Rights. *Юридик фанлар ахборотномаси*, (1), 43-49.
3. Шахбиева М.М. Основания и последствия лишения (ограничения) родительских прав в российском законодательстве // Скиф. Вопросы студенческой науки. 2020. – № 6-46. – С. 288.



4. Имомов, Н. (2020). ЭСТОППЕЛЬ И ЕГО ВЫРАЖЕНИЕ В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВЕ. *Review of law sciences*, 2(Спецвыпуск), 43-48.
5. Рабец А.М. Ювенальное право Российской Федерации: учебник. – М.: Юрайт, 2018. – 176 с.
6. Ветошкин С.А. Ювенальное право: учебное пособие. – Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2018. – 89 с. Ibrohimov, Azimjon Abdumo‘Min O‘G. "IJARA MUNOSABATLARIDA IJARA HAQINI TO‘LASH BILAN BOG‘LIQ MASALALAR." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 3.2 (2023): 607-612.
7. Имомов, Н. (2019). ESSENCE OF CIVIL-LAW TOOLS IN THE ANTI-CORRUPTION SYSTEM. *Юридик фанлар аҳборотномаси*, (3), 41-45.
8. Антокольская М.В. Семейное право: учебник. М.: Норма: НИЦ ИнфраМ, 2013. - 364 с.
9. Azimjon, Ibrohimov. "ZARAR–YURIDIK SHAXS ISHTIROKCHILARI VA BOSHQARUV ORGANLARI FUQAROLIK-HUQUQIY JAVOBGARLIGINING ZARURIY SHARTI SIFATIDA." (2022).
10. Терехова В.В. Некоторые аспекты лишения родительских прав в российском законодательстве // *Евразийская адвокатура*. 2019. – № 4 (41). – С. 58.